



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 32 (10.589)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Касба сатрларда

- **БУГУН** 291-мактабда ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгашининг «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида ўтказилган «Сиз қонуни биласизми?» мавзусидаги кўриктанлов «Камолот» ЕИХ Бектемир туман бўлими томонидан уюштирилди.
- **БУГУН** Республика тиббиёт коллежида Чилонзор туман ИИБ, «Камолот» ЕИХ Чилонзор туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбати ёшлар орасида жиноятчилик ҳоллари юз беришининг олдини олиш, гўёвандликка қарши кураш масалаларига бағишланди.
- **БУГУН** «Пойтахт — Сергели» савдо мажмуасида «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Диний экстремизм ва терроризм — демократик жамият кушадаси» деб номланди.
- **БУГУН** Чилонзор матбаа коллежида ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида ўтказилган семинар «Келажак овози» деб номланди.
- **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги «Оққўрғон» маҳалласида туман хотин-қизлар кўмитаси, туман халқ таълими бўлими, «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалаларига бағишланган давра суҳбатида маҳалланинг фаол аёллари иштирок этишди.
- **БУГУН** Юнусобод туманидаги 41- оилавий поликлиникада «Шоир ва буюк саркарда» мавзусида ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири Захриддин Мухаммад Бобур фаолияти ва ижодий меросини ўрганишга бағишланган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг Юнусобод туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.
- **БУГУН** Яккасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалласида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими, «Оила ва аёл» маркази ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбати Хомийлар ва шифокорлар йилга бағишланди.
- **АЛИШЕР** Навоий номидаги Санъат саройида ўзбек кино ижодкорлари томонидан яратилган «Ромео ва Жульетта ёхўд ланъатланган севги» фильмининг тақдими бўлиб ўтди.
- **МИРЗО** Улуғбек туманидаги Охунбобоев маҳалласида туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Қизил Ярим Ой жамиятининг туман бўлими ҳамкорликларида ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига бағишланган давра суҳбатида Авайхон, «Олтинтепа-10», «Олтинтепа-5» маҳаллаларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, фаоллар иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

ТЕХНИКАНИНГ СОЗЛИГИ, БАРЧА ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. БУ БОРАДА «ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ОЧИҚ АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН БИР ҚАТОР ИШЛАНМАЛАР ОШИРИЛМОҚДА.



Иқтисодиёт ИШ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, заводнинг имкониятлари мустақиллик йилларида кенг қўл очилди. 1992 йилдан бошлаб завод цехларида бозор эҳтиёжларини қондириш мақсадида ТТЗ-80.10 ва ТТЗ-80.11 русумидаги тракторлар серияли равишда йилга бошланди. Шу билан бир қаторда ривожланган конструкторлик-технология негизи коммунал ва қурилиш хўжаликлари учун тракторнинг юклагич, асфальт қирққич, галтакмола ва бошқа турларини ишлаб чиқаришга имкон яратди. 1996 йилга келиб эса завод давлат акциядорлик жамиятига айланган.

Ўтган йилдан очик акциядорлик жамияти сифатида фаолият кўрсатаётган корхонада Д377Е русумидаги двигатели 50 та от қучига эга бўлган ва ҳаво билан совутилган, оптика тезликини алмаштириш имкони мавжуд бўлган қутили, осма ускуналар гидравлик ва олд кўприк механик усулда бошқариладиган Т28Х4 русумидаги тракторларни яратиш ишлари йўлга қўйилди. Шундан кейин чиқарила бошланган Т28Х4М русумли тракторлар Т28Х4 русумидаги тракторлар модели асосида тайёрланмоқда.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, трактор заводининг фаоли-



сида фаолият юритаётган корхоналарда ҳам маҳсулотларни маҳаллий шароитда, шу билан бирга ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқариш жадвал суръатларида олиб бориш мумкин. Мисол сифатида айтиш жоизки, биргина ёқили трубкалари «Ўзқабель» заводида, электр жиҳозлари «Тошавтоматика» корхонасида, ойналар «Автойна» акциядорлик жамиятида, орқа томони қўришга мўлжалланган қўзғулар эса «Технопластик» қўшма корхонасида тайёрланади.

Тракторсозларимиз қуввати 60-120 от қучига эга қудратли техникаларга эга бўлишни 1990-йиллардаёқ режалаштириб қўйган эди. Негаки, ўша пайтлардаёқ замонавий имкониятларга эга, юқори иш унумини ўзида мужассам этган тракторларга бўлган эҳтиёж сезилган.

Шу билан бир қаторда хорижий ҳамкорлар билан ҳам иш олиб боришмоқда. Жумладан, «Жон-Дир» ва «Кейс-Нью-Холланд» фирмалари тажрибасини ҳамда улар ишлаб чиқарган тракторларнинг маҳаллий муҳитдаги имкониятлари ўрганилиб чиқилган, мустақил конструкция яратиш учун «Кейс-Нью-Холланд» фирмаси маҳсулотлари танлаб олинди.

Хозирги кунда эса ушбу нуфузли саноат бирлашмасида 3172 нафар ишчи мамлакатимиз халқ хўжалиги учун зарур бўлган тракторсозлик билан шугулланмоқда.

Хидирали ПАНЖИЕВ
СУРАТЛАРДА: ушарта бошлиги
Ўткир Нуриддинов ва уста Абдурашид Худойбергенов эҳтиёт қисмларни кўздан кечирмоқда; янги ишлаб чиқарилган транспортлар доимий назорат қилинади.

Ҳақимжон Солиҳов
олган суратлар

ИЖОБИЙ ҚАРАШ ВА БАҲОЛАР КУЧАЙМОҚДА

«ИЖТИМОЙ ФИКР» ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ 2005 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШИ АҲОЛИ ТОМОНИДАН ҚАНДАЙ БАҲОЛАНЭТГАНИ, ШУНИНГДЕК, РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ АСОСИЙ СИЁСИЙ, ҲУҚУҚИЙ ҲАМДА ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТЛАРИГА ОДАМЛАРИМИЗНИНГ МУНОСАБАТИНИ АНИҚЛАШ МАҚСАДИДА ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТ ЎТКАЗДИ.

Сўровда юртимизнинг барча ҳудудларида истиқомат қиладиган фуқаролар, шаҳар ва қишлоқ аҳли, эркаклар ва хотин-қизлар, маълумоти, миллати, ижтимоий аҳоли, ёши турлича бўлган кишилар иштирок этди.

Шуни айтиш керакки, 1998-2005 йиллардаги сўровларнинг қийим натижалари аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини ижобий баҳолаш ҳолатлари барқарор кучайиб бораётганидан дарак беради. Масалан, 1998 йилда Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳолининг сўровда қатнашганларнинг 81,6 фоизи ижобий баҳолаган бўлса, 2005 йилда эса бу кўрсаткич 86,7 фоизга өтди. Бунда уларнинг аксарияти ислохотлар бир маромада, изчил амалга оширилмоқда, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият барқарорлиги билан ажралиб туради, деб ҳисоблайди.

Фуқароларнинг фикрича, заманимизда тинчлик ва оқилолликнинг мустақиллик йилларидаги энг катта ютуқларидан биридир. Мамлакатимизда иқтисодий-иқтисодий ислохотларнинг изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилаётгани, «шок терапияси» моделдан воз кечиш ва миллий ҳамда демографик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда аниқ йўналтирилган ижтимоий сиёсат юритилаётгани ҳам ижобий баҳолашнинг шаклланишига таъсир кўрсатмоқда. Фуқаролар давлат сиёсати халқ манфаатига жавоб беради, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун самарали чоралар қўришмоқда, деб ҳисоблайди.

Сўровда иштирақ этганларнинг Президент Ислом Каримовга билдирган ишончининг юқорилиги давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган ислохотлар аҳолининг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланаётганидан даролат беради. Ўзбекистон халқи ўзи сайлаган Президент сиймосида мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, Ватанимиз мустақиллигини янада мустақамлашнинг асосий қафолатини қўради, жамият ҳаётининг барча жаҳаларини ислохот этиш ва модернизация қилиш борасидаги ишларнинг муваффақиятига тўлиқ ишонди.

Аҳолининг аксарияти (94,6 фоизи) мамлакатимиз Президентлиги олиб бораётган ташқи сиёсатини, жумладан Ўзбекистон ва Россия ўртасида иттифоқчилик муносабатлари турғисидаги шартноманинг тузилганини, шунингдек, Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳам-жамиятига қўшилганини қўллаб-қувватлади.

Республикаимизда амалга оширилаётган тўз ўзгаришлар ойналар фаровонлигининг ошишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Сўровда иштирақ этганларнинг 68,7 фоизи шундай фикрда. Тадқиқотлар натижалари юртдошларимизнинг барқарорликка хизмат қиладиган салоҳияти янада мустақамлангандан даролат берибди. Бу аса, ўрта синфнинг ўсиши ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг асосига айланishi мумкин.

Экспорт салоҳиятини мустақамлаш йўлида ТАВАККАЛЧИЛИК АФЗАЛМИ ЁКИ СУҒУРТА?

Фуқароларимиз мамлакатда кичик бизнес ва фермерликни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай иқтисодий ҳамда ҳуқуқий шароит шаклланимоқда, деб ҳисоблайди. Сўровда қатнашганларнинг аксарияти томонидан Ўзбекистонда иқтисодиёт хусусий тармоғининг эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратилганига билдирилаётган ишонч бунга асос бўлиб хизмат қилади.

Юртдошларимизнинг фикрича, 2006 йилнинг Хомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан ҳомийлик ҳаракатини кучайтириш ва бундай ёрдамнинг аҳамияти оширилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Сўровда иштирақ этганларнинг 84,7 фоизи эҳтиёжман ойналар бундай моддий ёрдамни ҳозирча асосан давлатдан олмақда, деб ҳисоблайди.

Умуман, ўтказилган тадқиқот маълумотлари шуни кўрсатадики, 2005 йил Ўзбекистон аҳли учун барқарор йил бўлди ва бу жамият аҳолининг барқарорлигидан дарак беради. Шунингдек, республика раҳбариятининг аниқ мақсадли ва ижтимоий йўналтирилган сиёсати ҳам мамлакатимиздаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Сўровда иштирақ этганларнинг кўпчилиги ўшбу стратегияни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, унинг ижтимоий самарасини ошириш учун бу борадаги ишларни янада кучайтириш лозим, деб ҳисоблайди. Амалга оширилаётган ислохотларнинг натижалари мамлакат ҳаётининг барча жаҳалларида истиқболда юз берадиган тўз ўзгаришлар ва бу жараёнда фуқаролар иштирокини фаоллаштириш учун қучли омил бўлиб хизмат қилади.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари бўйича Ў.А. МУХИБРА А.ИВАНОВА тайёрлади.

(Давоми 3-бетда.)

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Паркент туманида Президентимизнинг шу йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислохот қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори талабларидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.
- Хоразм вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг мақсад ва моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш ва ижросини таъминлашга бағишланган семинар ўтказилди.
- Ўзбекистон Республикаси Президентлиги ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Мудофаа вазирлиги, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби раҳбарлари ўринбосарлари, ҳарбий округлар кўмондонлари, бошқармалар бошлиқлари ҳамда ҳарбий ўқув муассасаларининг раҳбар ходимларининг малакасини ошириш учун махсус курслар очилди.
- Тошкентда Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари — Афғонистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон шахмат федерацияларининг президентлари ва бош котибларининг Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) вице-президенти З.Азмайпарашвили (Грузия) ва бош котиби И.Леонг (Сингапур) билан учрашуви бўлиб ўтди.
- Фарғона вилоятида жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда профилактика инспекторларининг ролини кучайтириш ва фаолиятларини янада тақомиллаштириш масалаларига бағишланган йилги иш ўтказилди.
- Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳамда Меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида қарийб 150 та корхона, ташкилот ва фермер хўжалиқлари 1,5 мингдан зиёд бўш иш ўринларини тақлиф этди. Натижада 500 дан ортиқ фуқаро доимий иш билан таъминланди.
- Фарғона вилоятида Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Унда минглаб фарғоналиклар қатнашиб, вилоят маркази, шаҳар ва туманларда катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширдилар. Шу кунни вилоят бўйича 200 мингга яқин дароخت ва гул қўчатлари ўтказилди, ариқлар тозаланди.
- Қурилиш ашёлари, мебель, рўзгор буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Пастдарғомдаги «Нафосат» кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси фаолиятини янада кучайтиришга ўзлаштирди. Эндиликда корхона тадбиркорлари чикиндиларни қайта ишлаб, рўзгор буюмларини тайёрлашади.

ЖАҲОНДА

- Грузия Президенти Михаил Саакашвили парламентга сўзлаган нутқида эндиликда Абхазия ва Жанубий Осетия можароларини фақат тинч йўллар билан ҳал этилишини айтди.
- Сааддан Хусайн устидан олиб борилаётган суд жараёни давом этмоқда. Ироқнинг собиқ президенти ва яна етти нафар айбланувчи очлик эълон қилишгани билдиришди. Айбланувчилар аввалиги адвокатлари қайтарилмагунча суд залига келмасликларини айтишди. Улар шунингдек, судья Рауф Абдул Раҳмонни алмаштириш талабини қўйишган.
- Иорданиянинг ҳарбий суди мамлакат пойтахти Оммон шаҳрига кимёвий ҳужум уюштиришга уринишда айбланаётган тўққиз кишини ўлим жазосига ҳукм қилди.
- Германиянинг Рюген оролида топилган тўртта ўлик оққушнинг икитасидан текширув чоғида парранда гриппи вируси топилган. Ҳозирда Германия ҳукумати парранда гриппи вирусининг мамлакат ҳудудида тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида барча зарур чора-тадбирларни кўрмоқда. Чунончи, янги қарорга мувофиқ мамлакатдаги барча уй паррандалари эндиликда ёпиқ иншоотларда сақланади.
- Истамбулдаги катта супермаркетлардан бирида содир бўлган қучил портлаш натижасида 11 киши ҳаётдан кўз юмди. Портлаш супермаркетга ўрнатиб кетилган портловчи ускуна ёрдамида амалга оширилган. Мазкур террорчилик ҳаракатида жавабгарликни қурд террорчилари зиммаларига олишди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 17 февраль кунни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 2-7 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-7, кундузи 17-19 даража иссиқ бўлади.

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ:

ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР

БАРЧА СОҲАЛАРДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ — БУГУНГИ ЗАМОН ТАЛАБИ. ЮРТ РАВНАҚИДА, ЭЛ ФАРОВОНЛИГИДА, ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЮКСАЛИШИДА, МАМЛАКАТИМИЗДА ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИДА АНА ШУНДАЙ КАДРЛАРНИНГ ҲАМ ТАЛАБИ БУ. ШУ БОИС ҲАМ ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-КОММУНАЛ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ДИРЕКТОРИ ЖОЗИЛ ТОҲИРОВ БИЛАН БЎЛГАН СУХБАТИМИЗДА АНА ШУ МАСАЛАГА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТДИК.

— Жозил Остонович, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг учинчи босқичи бошланди. Ушбу босқичда коллежда қандай ишларни бажариш кўзда тутилмоқда?

— 2006 йилни, барча қатори эзгу ниятлар билан бошладик ва унинг илк ойи ҳам яқин топди. Аввало касб-хунар таълими тизими яратилгандан буёнги даврга назар ташласак, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг 1,2-босқичи ақунига етиб, жорий йил бошидан учинчи босқичга маълум маънода қадам ташладик.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, биз ана уша икки босқич давомида қандай ишларни амалга оширдик, қанақа камчиликларга йўл қўйдик, муаммоларнинг ечимини топа олдими? Дастурининг бундан кейинги босқичида ана шуларни жамлаб, ҳулоса чиқариб уни тўлақонли амалга оширишга эришишимиз даркор.

Буни ўзимизнинг касб-хунар коллежидан мисолида айтишдан бўлсак жаҳон андозлари даражасида қурилган таълим масканимизнинг замонавий тарзда жиҳозланганлиги бугунги кун талаблари даражасидаги кадрларни тайёрлашимиз учун катта имкониятлар яратди. Юртимизда мустақиллик йилларида уй-жой коммунал соҳасида олиб бораётган ислохотларни амалга оширишда, албатта биз ўзимиз тайёрлаган малакали кадрларимиз билан муҳим ҳисса қўшамиз. Маълумки, кўп қаватли уйларда уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ташкил этилиши, Президентимизнинг 2005 йил 10 февралдаги «Уй-жой-мулкдорлари ширкатлари фаолиятларини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш замирида эл-юрт фаровонлиги, аҳоли учун коммунал хизмат даражасини ошириш, одамларга яхши турмуш шароитлари яратиш, оғирини енгил қилиш ётибди. Биз тайёрлаган коммунал соҳа кадрлари ҳам

ана шу ишларни амалга оширишда ўзига хос ўринга эга бўлади.

Коллежидан нафақат пойтахт, балки республика бўйича қурилиш ва коммунал соҳасида касб-хунар тизими бўйича қайсибир маънода етакчи ўринга эга бўлганлиги боис кўпгина ишларни амал-

соҳасида ёшлар ўртасида ўтказилган «Келажак овози» курик-танловидан ўз макети билан иштирок этиб, фахрли 2-ўрин соҳиби бўлди. Агарда ушбу курик-танловда олий ўқув юртлири талабалари иштирокини ҳам айтишдан бўлсак, бу жуда қувонарли ҳолдир.

— Коммунал соҳа бўйича тайёрланаётган мутахассислар ва уларнинг бугунги кун талабига жавоб бериши борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳусусида батафсил тўхталсангиз.

— Коллежидан 10 дан ортиқ йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Сув таъминоти, газ таъминоти, турар жой биноларини эксплуатация қилиш йўналишлари бўйича коммунал соҳа, мутахассисларини тайёрлаймиз. Бино замонавий қурилгандан кейин унга етарлича коммунал шароит, хизмат ҳам бўлиши керак. Шу боис ҳам биз пойтахтимиздаги илгор корхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. «12-трест» акциядорлик жамияти, «Протекс иншоот» корхонаси, «Сувжихозгаз» қўшма корхонаси ана шулар жумласидандир. Яна шуни алоҳида таъкидлаш кераки, бугунги кунда коммунал соҳада замонавий техника ва технологиялар-

нишида ҳеч қандай муаммо йўқ.

Жорий йилда коммунал йўналиш бўйича 100 нафарга ақин йигит-қизга диплом берилди. Аҳамиятли томони, улар бир неча мутахассисликни эгаллашлари баробарида ҳайдовчилик гувоҳномасини ҳам оладилар. Коллежидан Жанубий Корея давлати кредити бўйича автомобилсозликнинг энг замонавий жиҳозларига эга бўлиб, шу боис ҳам имкониятларимизни чамалаб кўриб, ҳозирда авточилангар мутахассислиги йўналишини ҳам йўлга қўйдик.

Яна бир нарсани таъкидлашим лозимки, Учтепа тумани ҳокимлигининг тақлифини инобатга олиб, таъриба ўтказишга қарор қилдик. Яъни биз ўз битирувчиларимиздан нафақат тумандаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари учун ишчи-ҳодимлар, балки энг билимли, иқтидорли, ташаббускор диплом эгалларидан ширкат раҳбарлигига ҳам тавсия этишни режалаштирдик. Шунингдек, таъриба-синов тарихида битта ширкат учун — ақил, ишчан жамоа, яъни ширкат раиси ва ҳодимларини танлаб мустақил фаолият юритишлари имкон яратишга аҳд қилдик. Бу ўқувчиларимизни ҳам жуда қизиқтириб қўйди. Уйлаймизки, ушбу таъриба-амалда жуда катта самара беради. Негаки, педагог ва усталиримиз малакали мутахассислар тайёрлаш талаблари асосида иш юритишмоқда...

— Ҳар бир соҳа ҳодими талаб қилади бормоқда. Сиз тайёрлаётган кадрларнинг ҳар доим талабга жавоб бериши учун келгусидаги режалар қандай?

— Президентимизнинг юқоридаги Қарори ижросига муносив ҳисса қўиши мақсадида коммунал хизмат корхоналари билан шартнома асосида қисқа курслар ташкил этиб, кадрлар малакасини оширмоқдамиз. Утган йилда лифт соҳаси учун 80 нафар, иссиқлик тармоқлари бўйича 60 нафардан зиёд ҳодим ана шу курсларимизда таҳсил олди. Бу ишни давом эттирамиз. Шунингдек таъкидлаш лозимки, режалар сунъий равишда ўйлаб топилмаслиги керак. Улар ҳаётдаги янгиликлар, ўзгариш ва муаммолардан келиб чиққан ҳолда белгиланса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу боис биз ҳам мамлакатимиздаги экология ва энергетика соҳаларидаги муаммолардан келиб чиққан ҳолда энергетика мутахассисларини тайёрлашни ҳам режалаштиришимиз. Соҳадан орқада қолиб кетмаслик учун интернет тизимидан фойдаланаямиз. Шунингдек, янги материаллар ва технологиялар соҳасида ҳам иш олиб бораёламиз. Сирасини айтганда, қурилиш ва коммунал соҳадаги ўрта бўғин мутахассисларини етказиб беришда жамоамиз аҳли бутун куч ва имкониятларини ишга солар экан, ушбу йўналишлардаги ислохотларни ривожига маълум ҳисса қўшаётганларини дилдан ҳис этадилар.

Сухбатдош
Шарифа ИЛЁСОВА

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

га оширишга бош қўшяпмиз. Хусусан, мавжуд устхоналарнинг қандай жиҳозлангани бўйича касб-хунар маркази учун ҳужжатларни тайёрлаб бердик, қўллаб-қўув режалари, дастурлар, таълим стандартларини ишлаб чиқишда ўқитувчиларимиз фаол иштирок этишди.

Ҳозирги кунда эса биз ўз ишларимизни давом эттирган ҳолда соҳага янгиликлар олиб кириш устида фаолият олиб бораёламиз. Бу, албатта тайёрлаётган кадрларимиз малакасида ўз самарасини беришига аминимиз. Қурилиш йўналишини оладиган бўлсак, архитектура бўйича ўрта бўғин мутахассиси республика бўйича фақат бизнинг коллежда тайёрланмоқда. Архитектура қурилишнинг энг асосий бўғини ҳисобланади, шу боис ҳозирда техник-архитектор мутахассиси тайёрлашни ҳам йўлга қўйдик.

Албатта, бугунги кунда ҳар ким ўз имкониятидан, ўз салоҳиятидан келиб чиқиб ташаббус кўрсатиши керак. Биз ҳам, ички имкониятларимиздан фойдаланиб ўқитувчи ва ўқувчиларимиз салоҳиятини тўлақонли намойиш этиш мақсадида «Макетлар устхонаси» ташкил этдик. Шунингдек, расм ва чизмачилик устхоналаримиз ишлаб турибди. Яқинда бир ўқувчимиз архитектура

дан самарали фойдаланилмоқда. Биргина мисол — иссиқ, совуқ сув, каналзация тизимларида полимер қувурлардан фойдаланилмоқда. Шуларни назарда тутган ҳолда ўқувчилар амалиётини шундай ташкил этамизки, улар ушбу даврда замонавий техника ва технологиялар, сантехника жиҳозлари, ускуналари билан ишлаш, уларни сошлаш имкониятига эга бўлмоқдалар. Ўзимизнинг сув таъминоти устхонамиз бўлиб, у ерда сантехника жиҳозларини ўргатиш бўйича полигон қурилган. Бу ерда бинонинг 1 қавати ва ертўласи макети бўлиб, ўқувчилар бевосита мавжуд жиҳоз ва ускуналардан фойдаланиб амалиётда қўллабди, монтаж ишларини бажаради. Шунингдек, «Сувжихозгаз» қўшма корхонаси билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилиб, 50 та ўқувчи тежамкорлик омили бўлган ҳисоблагичларни ишлаб чиқаришдан ўрнатил ва сошлашга бўлган жараёнда иштирок этишди. Бу, албатта кадрларимизнинг мустақил иш юритишларида муҳим аҳамият касб этади. Янги йўл туман газ таъминоти корхонаси билан ҳам ҳамкорлигимиз мустақиллик билан шу ҳамкорликнинг самараси ўлароқ битирувчиларимизнинг амалиёт ўташи ва иш билан таъминла-

ҚАДРИГА ЕТАЙДИК

«Ойниса Кодирова, Чилонзор тумани: ХАЛКИМИЗДА «ЮЗ МАРТА ЭШИТГАНДАН КУРА БИР БОЛ КЎРГАН АФЗАЛ» ДЕГАН НАҚЛ БОР. БУ ИБОРАНИНГ ИСОБИГА ҲАЁТДА ТЕЗ-ТЕЗ ДУЧ КЕЛАМИЗ. ХОНАДОНИМИЗГА СОВУҚ СУВ ВА ГАЗ УЧУН ҲИСОБЛАШ УСКУНАЛАРИНИ ҲАМ ҲАМОН БИЛАН БИР ҚАРРА АМИН БЎЛАДИК.

Негаки, олдинлари хонадонда 4 киши яшасак, барча тўловларни киши бошига қараб тўлар эдик. Эндиликда эса фақат ишлатилгани учун ҳисоблагич курсатганини тўлаб бораёламиз. Утган йил йил давомида ҳам сув ва газ, ҳам маблағ тежамкорлигига эришдик, десам хато бўлмайди. Негаки, ҳозирда бошида тулаганимдан 3 баробар кам пул тўлаётиман. Яна шунга амин бўлдимки, ҳисоблагич иқтисод ва тежамкорлик билан бирга бебаҳо нёъматларнинг қадрига етишни ҳам ўргатар экан.

ҚУШНИЛАР БИЛАН КЕЛИШИБ ОЛДИК

«Муаззам Назарбекова, Мирзо Улугбек тумани: — Кўпгина юқори қаватли уйларда яшовчилар кўни-қўшнларнинг бепарволигидан, оилаб йўлаклар тозаловчи эътибор бермаслигидан нолишади. Турри, баъзида бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўламиз. Аммо биз яшаётган уйда бундай камчиликлар аллақачон бартараф этилган.

Ўйимиз 6 та кириш йўлигидан иборат бўлиб, ҳар бири учун маъсул йўлакбошларини яшовчиларнинг ўзлари танлашган. Шу боис ҳам йўлакларда яшовчи хонадон эгалари навбати билан тозаловчи эътибор қаратишди. Ҳозирча ҳеч қим норози бўлгани йўқ. Ақсинча, фарзандларимиз ҳам ўз уйлари, ўлакларини учун қайғуришга ўрганилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш айтаётганимни, аёллар яшаган жой ҳаммаша ораста бўлиши керак. Шунинг учун ҳам остига вақтимизни йўлакларимиз учун ажратсак, бу фақат ўзимизга, дилмиз равшанигига фойда. Агар ободлик кўнгилдан бошланади.



ЎЗАРО ИШОНЧ, ҲАМҲИЖАТЛИК ҲУҚМ СУРГАН ЖАМОАДА БИР-БИРИНИ ТУШУНИШ ҲАМ ОСОН БЎЛАДИ. БУ ЭСА ҲАР ҚАНДАЙ МАСЪУЛИЯТЛИ ИШНИ БАЖАРИШДА, МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПИШДА ҚЎЛ КЕЛИШИ, ШУБҲАСИЗ.

Аммо уша ишончни қозониш ҳам ўз-ўзидан бўлмайди. Бу кези келганда машаққатли меҳнат ҳамда изланишлар самарасидир. Мирзо Улугбек туманидаги «Бўз-1-коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкати фаолияти билан танишиб, ширкатга қарашли қўл қаватли бинолардаги хонадонда яшовчиларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиб ана шу нарсага яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Албатта, узоққа боришининг ҳолати йўқ. 2005 йилнинг 1 апрелига 47 та уйни бирлаштирган «Бўз-равон» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли ушбу турар жой биноларида ўзига хос муаммолар мавжуд эдики, уларнинг ечимини топишга на ширкат мурасаддиларида, на мулкдорларнинг ўзида имконият ҳам, ҳаракат ҳам сезилмаган.

Ширкат — ибрат

ЭНГ МУҲИМИ — ЯШОВЧИЛАРДА ИШОНЧ УЙФОТИШ

хонадон аҳлининг менга ишонч билдиргани, шунингдек, туманда ташкил этилган уй-жой мулкдор-

лари уюшмасининг қўллаб-қувватлашлари меҳнат натижасини ишқирди. Энг аввало ишни ҳар бир уй яшовчилари билан урчишидан бошладик. Бугун яхши яшаш, намунали хизматдан фойдаланиш учун нималарга эътибор қаратишимиз лозим? Режаларимизни, қилинажак ишларни ана шу асосда белгилдик. Лекин энг асосийси режаларимизнинг тузилиши эмас, уларни вақтида, кечиктирилмасдан бажаришда экан.

Ҳақиқатан ҳам ўтган йил кўзда тутилган барча ишларнинг ижроси таъминланганлиги, ақри буюртмалари вақтида бажаришларини ишончни қозонишда муҳим аҳамият касб этди. Ширкатларда уйлар сонининг ихчамлашувидан қўзланган асл мақсадни ағлаб етган яшовчиларда ҳам мулкдорлик ҳисси, ўз яшаш жойларига му-

носабатлари ижобий томонга ўзгарди. Шу боис ҳам уларнинг тўловларни вақтида бажаришда,

умумий мулкни асраб-авайлашда фаолликлари кўзга ташланди. Утган ёзда кузги-қишқи тадбирлар вақтида бажаришга боис ҳам айни пайтда мавсум кўнгидагидек ўтмоқда, ширкатлар йўқ. Янги ширкат ташкил этилган, уйлар асфальтланди, 40 та кириш йўлакларининг барчаси таъмирдан чиқди. Уларнинг сақланиши ва ораста-лигига йўлакбошлар маъсул.

Энг муҳими эса бажаришда ишларнинг барчасини вақтида бажаришда экан. Ҳиссаларини алоҳида таъкидлаш ўринли. 3 та болалар уйини майдончалари кичиктойлар учун алоҳида қўлайликдир.

— Жуда яхши ўзгаришларни ўз кўзимиз билан кўраёламиз, ҳашарларда иштирок этаёламиз. Уйимиз олдида ўз сувиш ҳавзамиз ҳам бор. Жорий йилда уйимизни тўдан таъмирлаш кўзда тутилган. Агарда муаммолар вақтида тугатилса, қилинаётган сайёҳаракатдан баҳраманд бўлишса, аҳолининг ҳам қайфияти кўтарилиб, ширкатга ишончи ортар экан. Ахир ширкат бу яшовчиларнинг ўзларидир.

Асосий ражалар эса уйларнинг ҳолатидан, яшовчилар тақлифи ва фикрларидан, ширкат имкониятидан келиб чиқиб белгиланади. Жорий йилда ширкат тасарруфидидаги 8-ва 75-уйларни тўдан таъмирлаш, барча турар жой биноларидаги электр автоматларини алмаштириш кўзда тутилган. Айни баҳор яқинлашаётган пайтда эса ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш юмушларига эътибор қаратишмоқда.

— Аввало одамлар ишончини қозонишининг ўзи бўлмайди, — дейди Раъно Мирзаева. — Лекин ана шу ишонч қозонилиши учун уни оқлаш жуда катта масъулият. Ана шунда ҳам қандай катта-кичи муаммо барҳам топаверади.

ШАРОФАТ БАХРОМОВА
СУРАТЛАРДА: ширкат раиси Раъно Мирзаева (чапда) яшовчилар билан тез-тез учрашиб туради, пайвандчи Назар Худойберганов.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар



МЕҲР-МУРUVВАТ УН КУНЛИГИДА ҚАТНАШИНГ

МАЪЛУМКИ, ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИАТИ ЯККА-ЎЛГИЗ ҚАРИЯЛАРНИ ЎЗ ТАСАРРУФИГА ОЛИБ, ИЖТИМОЙ-ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ, НОГИРОНЛАР, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ КЎМАК БЕРИШ, ЁНГИН ВА ТУРЛИ ТАБИИЙ ОФАТЛАРДАН ЖАБРАНГАНЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ КАБИ ХАЙРИЛИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИДИР.

Тошкент шаҳар ҳокимининг фармойишига кўра шу йил 10 февралдан 21 февралга қадар Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши ҳисобига хайрия йиғиш ун кунлиги ўтказилмоқда.

Биз Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг ўринбосари Шоҳида Худойберганадан кенгашнинг кейинги пайтдаги фаолияти, ун кунлик давомида режаланган тадбирлар ҳусусида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Утган йил давомида жамият ташкилотларини ташкилий ва моддий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Жамиятнинг кўнгиллилари сони 78 мингга етди. Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари Федерацияси кўмағида иккита ҳудудда жамиятни ташкилий ривожлантириш бўйича махсус дастур асосида Учтепа, М.Улугбек, С.Раҳимов, Чилонзор, Ҳамза, Юнусобод туманлари ажратиб олинди. Уларнинг ҳар бирида олтидан маҳаллалар мониторинг асосида танланиб, ушбу маҳаллаларда жамиятнинг бошланғич ташкилотлари тузилиб, Қизил Ярим Ой жамияти бурчалари ташкил этилмоқда. Кўнгиллиларни кўпайтириш йўли билан аҳолининг муҳтож қатлами аниқланиб, уларга инсонпарварлик ва тиббий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда. Фавқулодда вазиятлар йўналиши бўйича ўтган йили махсус ЭКО дастурига асосан Учтепа, С.Раҳимов, Шайхонтоҳур, Ҳамза ва Юнусобод туманларидаги маҳаллаларда тўрт босқичда ўқув семинарлари ўтказилди. Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилувчи жамоат кенгаши таркиби тузилди. Фавқулодда вазиятлар консултив пункти иш бошлади.

Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши ва туман Кенгашларининг «Меҳр-шафқат» хизматлари томонидан 1800 га яқин якка-ёлғиз қариялар, ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилади. «Меҳр-шафқат» хизмати қидирув бўйича 13 та хатни кўриб чиқди ва уларнинг барчаси ижобий ҳал этилди. Ёшлар ҳаракатини ривожлантириш мақсадида жамият ўзининг энг яхши тайёрланган бошланғич ташкилотлари негизда 2 та Ёшлар маркази ва 7 та клубларни ташкил этди ва уларда 700 дан ортиқ волонтерлар фаолият кўрсатмоқда.

— Ҳомийлар ва шифокорлар йилида жамиятнинг шаҳар Кенгаши томонидан қандай ишлар амалга оширилди?

— «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда иш йўналишимизга кўра якка-ёлғиз қариялар, ногиронларни ўз тасарруфимизга олиб, ижтимоий тиббий ёрдам кўрсатамиз, уларни диспансеризациядан тўлиқ ўтказамиз. Мўлжалланган маблағни тўплаш, меҳр-шафқат ҳамширалари сонини кўпайтиришга ҳаракат қиламиз. Ҳозирда шахримизда тасарруфимиздаги 450 нафар якка-ёлғиз, ногирон этиб қолган касаллар бор. Уларга ҳар бир туманда 2,3 тадан, жами 28 та меҳр-шафқат ҳамширалари хизмат кўрсатади. Улар сонини яна ўнга кўпайтириш режаларимиз бор.

Ҳозирда ҳар битта туманда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш хоналари, шаҳар миқёсида эса шундай марказ фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ишини кенгайтириш, такомиллаштириш мақсадида жоиз бўлганларини тонометр, фонендоскоп, бир марталик дориналар ва бошқа тиббий анжомлар билан таъминлаймиз. Ҳар бир ёлғиз кексанинг уйига керакли дорилар доимий қўл остида бўлиши учун алоҳида аптекалар қилиб беришимиз керак.

Марказ ва хоналар орқали аҳолини биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш асосларига ўргатишга ҳаракат қиламиз.

Бир сўз билан айтганда, Ҳомийлар ва шифокорлар йили учун ўз фаолият йўналишларимиздан келиб чиқиб, режа туздик. Унга кўра, таъкидлаб ўтганимиздек, ҳамширалар сонини кўпайтириш, хоналарни жиҳозлаш ишларини амалга оширамиз, имкон қадар кўпроқ Ҳомийларнинг маблағларини жалб этиб, ёлғиз кексалар, ногиронлар, кам таъминланганлар ҳолидан хабар оламиз. Шу йилнинг ўзида 30 га яқин уйи ёнганларга ўрин-қўрпалар, вақтинча яшаш учун палатка, ювувчи воситалар, қийим-кечаклар ва озиқ-овқатлар етказиб бердик. Шунингдек, Тошкент шаҳар «Жангчи фахрийлар» ташкилотининг Миробод туман бўлими, Кўзи оқиллар жамиятининг Шайхонтоҳур туман бўлими тасарруфидидаги тўққиз юзга яқин кишига инсонпарварлик ёрдамини топширдик.

— Шоҳида Нишонова, айтингиз, хайрия йиғиш ун кунлигига қандай тадбирлар режаланган?

— Бу борада 16 февралда шаҳар «Махалла» жамғармаси ҳамда Фавқулодда вазиятлар бошқармаси билан ҳамкорликда маҳаллалар аҳолисини фавқулодда ҳолатларга тайёрлаш ва вазиятга қараб иш кўриш асосларига ўргатиш мақсадида анжуман ўтказамиз. Бундан ташқари аҳоли ўрта-сидда халқаро инсонпарварлик ҳуқуқини тарғиб қилиш учун икки кунлик семинар ташкил этамиз. Хайрия тадбирларини ўтказамиз.

Ун кунлик доирасида «Доктор Абди Фарм» қўшма корхонасидан 600 минг сўмлик дори-дармон олинди. Уни ҳам тасарруфимиздаги якка-ёлғизлар, кам таъминланган оилаларга тарқатаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, шахримиздаги саховатпеша, савобталаб, жамиятимиз орқали ўз маблағларини ёрдам тарихида якка-ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар, фавқулодда ҳолатлар ёхуд бахтсиз ҳодисалардан жабранланганларга топшириш ниятида бўлган корхона, ташкилот, муассасаларга ҳисоб рақамимизни эслатиб ўтмоқчиман. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бош амалиёт бўлимидаги ҳисоб-рақами: 20212000900126451001, МФО 00407, Инн 200896573.ХХТТ 98600.

Дилшод ИСРОИЛОВ сўхбатлашди

2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

САХОВАТПЕШАДИК ХАЛҚИМИЗНИНГ АЗАЛИЙ ИНСОНИЙЛИК ФАЗИЛАТИДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 13 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ 2006 ЙИЛНИ ЮРТИМИЗДА ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛДИЛАР. ЮРТБОШИМИЗНИНГ УШБУ ТАНТАНАДА СЎЗЛАГАН МАЪРУЗАЛАРИ ЖАМОАТЧИЛИК ТОМОНИДАН КЎТАРИНКИЛИК БИЛАН КУТИБ ОЛИНДИ. МАЪРУЗАДА БЕЛИГЛАНГАН ХУЛОСАЛАР АССИДА МАҲСУС ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, ЖАМОАТЧИЛИК ОРАСИДА КЕНГ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ ВА УНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Истиклол даврида Президентимизнинг изчил ва оқилона сиёсати туфайли юртимиз ҳар томонлама тараққий этиб бормоқда. Олиб борилаётган сиёсат замирида ажодларимизнинг мангу ҳикмати, сабоқлари, ибратлари, одобидан андоза олинган барча инсоний фазилатларнинг ониси бўлган эзулик муассамидир. Бу фазилат мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг қалбидан мустаҳкам жой олган. Президентимиз таъкидлаганларидек, — «Меҳр-оқибат, мурувват бўлмаган жамият ҳалокатга маҳкумдир». Дарҳақиқат, ҳар бир одам бу дунёда ўз ҳаётидан рози бўлмокчи бўлса, у ҳаётда савоб ишларни адо этиши, кимнингдир қорига яраши, дардига малҳам бўлиши, меҳр-мурувват кўрсатиши мақсадга мувофиқдир.

Асосий фалсафаси билан «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир» — деган ақидага, инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилган Сихат-саломатлик йилида мамлакатимизда кўплаб шифо масканлари қад ростланди, улар энг замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминланди, шифохоналар барпо этилди, даволаш, профилактика муассасалари замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланди, қишлоқ врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди. Автомобил ва техника воситалари шифо масканлари ихтиёрига берилди. Республикада оналар ва болалар репродуктив саломатлигига катта эътибор қаратилди. Айни шу сабаб-ҳаракатлар ва тадбирлар самараси ўлароқ оналар ва гўдаклар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар кескин камайди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асраш, тиббиётни ривожлантириш жараёнидаги излохотлар Истиклолга эришилган дастлабки қунарданқо ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, малакали мутахассислар билан таъминлаш, юксак тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш ва пировард натижада инсон саломатлигини муҳофаза қилишга кенг миқёсда аҳамият берилди ва бу ҳаракатлар узлуksиз давом этмоқда.

Биобарин, Президентимиз томонидан эълон қилинган 2006 — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», ўтган йиллар — «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва

болалар йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Обод маҳалла йили», «Меҳр-мурувват йили», «Сихат-саломатлик йили»да бошланган эзгу ишларнинг изчил ва манتيкий давомидир. Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳаётимиздаги устувор вазибалар — барпо этилажак бинолар ва иншоотлар, яратилиши лозим бўлган шароитлар хомий ташкилотлар, саховатли инсонларнинг бевоcита ва билвосита кўмаги орқали амалга оширилади. Бу устувор вазибаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида тадбирқору хомийлар, саховатпеша инсонларнинг ўрни бекиёсдир.

Ҳомийлик — халқимизнинг қон-қонига Куръони қарим оятлари ва суралари, пайғамбаримиз ҳадислари орқали синган. Буюк Соҳибқирон Амир Темури бобомиз ўзининг тоған даромадидан мадрасалар, шифохоналар, ҳаммомлар, йўллар қурдирилганлар. Улуғ бобоқалонимиз Ҳазрати Мир Алишер Навоий илм-фан, маданият ва маънавий ривожига тенгсиз хомий бўлган. Бобурийлар химматидан Ҳиндистондай йирик давлат ободлик, фаровонлик ва улур бунёд этган Тож Маҳалдай қасрлар тимсолида машҳурлик тоған. XX аср бошида серҳиммат маърифатпарварлар майдонга чиқиб, ўз ҳисобидан миллат болалари учун мактаблар очилар, дарсликлар яратдилар. Маданий ривожланган мамлакатларга бориб ўқиб, муҳандис, иктисодчи, шифокор, муаллимлик касб-лари ни эгаллашган деган ешларга пул йиғиши ёрдам кўрсатишди. Қандай мақсад улари бундай савоб ва саховатпешалик ишларига ундади? Шу ўринда Ҳазрати Навоийнинг:

Одами эрсанг демалг одами, Ониким йўқ халқ гамидин гами.

каби ҳикматли иборасини ана бир бор эслаш ўринлидир. «Халқ гами»да яшаш, юрт фаровонлигини ошириш, миллат раванқига ҳисса қўйиш уларнинг мақсади ва орзуси эди. Шу мақсад йўлида ҳар қандай таълик, хатто ўлим ҳам улари бу йўлдан қайтара олмади. Уйлэйимизи, шундай ватанпарварлар, маърифатпарварлар, миллатпарварлар бугунги ҳаётимизда ҳам кўплаб топилади. Улар «халқ гами»га, мамлакат раванқига ўзларининг бегараз ёрдамини аямийдилар. Мустиқлик даврида саовбли саъй-ҳаракатлар, ҳимматлиликка, кенг йўл очиб берил-

моқда ва астойдил раббатлантирилмоқда. Ҳомийлик — бу қандай тушунча? Лугатларда хомийликка «Кимса ёки нарсани хомия эшти, тарафини олиш, ёрдам бериш, ёрдам» каби таъриф берилди.

Ҳомийга эса «Кимса ёки нарсани хомия этвучи, тарафини олвучи, ёкловчи» каби таъриф берилди. Кўринадики, хомий факат моддий ёрдам кўрсата оладиган эмас, балки Президент таъбири билан айтганда: «Хомийлик факат ўз бойлигидан бир қисмини хайр-эҳсон учун ажратиш эмас. Бу закот эмас, садака бериш ҳам эмас. Ҳомий дегани — бу авваломбор саховатли бўлиш, бегараз ёрдам бериш дегани. Ёрни, хомий деганда, ён-атрофидики бева-бечораларга, етим-есир, охтамж кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, охтамжнинг дардига ҳамдард бўлишга, қадрдон кишига ёки шахрни обод қилишга интиладиغان, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни тасаввур этамиз».

Ҳомийлик — турмушнинг тўқчилиги ва барокати, хомийлик — оиланинг тотулиги ва ҳамжихатлиги, хомийлик — шахсининг инсонпарварлиги ва саховатлигидир. Лекин орамизда ҳаётда турмушнинг у ёки бу сабабларига қура қийналиб қолган инсонлар, кимнингдир кўплаб-қувватлига муҳтож одамларнинг бўлиши ҳам табиий ҳолдир.

Турли сабабларга қура қийналиб қолган инсонни суяш, унинг оиласига мурувват кўрсатиш, дард чекаётган бўлса, дардига малҳам қилириш, қийинчиликлардан чиқишининг чораларини топиш халқимизга хос азалий ҳислатлардир. Ҳомийлик — ихтиёрий равишда амалга оширилади. Биронинг таълиқи, мажбурлаши остида амалга ошириладиган хомийлик мохиятган хомийлик эмас.

Албатта хомийлик савоб, инсонпарварлик, меҳр-мурувват каби фазилатдир. Аммо хомийликни амалга ошириш жараёни бундан ҳам муҳим. Ҳомийлик жараёни амалга ошириш қандай кечади? Биринчи навбатда кимларга ёки нималарга хомийлик ёрдами кўрсатилиши зарур каби муҳоказаларни ҳам ўйлашиб, фикрлашиб олинса фойдадан ҳоли бўлмас эди, деб ўйлашимиз:

- халқ анъаналаридан узоқлашмаслик, берилмаган ёрдамини тасмадан, олинмаган ёрдамнинг камситилишидан асраш асосий фалсафига айлиниши керак. Моддий ва маънавий хомийлик ёрдами бегараз, таънадан ҳоли бўлиши даркор;
- кам таъминланган ва муҳофазага муҳтож, ногирон тоифасидаги одамларни аниқлаш, уларнинг дилини оғритмаган ҳолда саховат ақцияларини амалга ошириш;
- Ватан хомияси учун жонини қурбон қилганлар оилаларига моддий ва маънавий ёрдамларни кўрсатиш;
- инсонлар қалбига, вужудида малҳам берувчи шифокорлар меҳнатини улуғлаш, улур учун шарт-шароитлар яратиш тизимини иш-

лаб чиқиш, бунда хомийларнинг ўрнини аниқлаш, қишлоқ врачлик пунктларини қўлайтириш, бундай пунктларни ташкил этишга хомийларнинг моддий ёрдамларини йўналтириш.

Ҳомийликнинг мохиятини халқ онгига етказишда тарғибот ва ташвиқот ишларини қўлайтириш долзарб ва муҳим ҳисобланади. Бундай савоб ишларни амалга ошириш, рўёбга чиқариш саховатпеша фуқароларимиздан бир томондан инсонийлик фазилатларини талаб этса, иккинчи томондан бу жараёнинг қонуний асослари ва қонуний кафолатларини ҳам яратиш лозимлигини тақозо этади. Шу маънода хомийлик жараёнини тартибга солувчи яхлит қонун ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ўйлашимиз. Қонун хомийлик жараёнини узлуksиз давом эттиришни кафолатлайди. Қонунда хомийнинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва бурчлари, ҳуқуқий асослари ва кафолатлари, уларга бериладиган имтиёзлар белгилашни лозим.

Жамиятда эзгу ишларни янда қўлайтириш, халқимизга хос ўзаро аҳиллик, бағри-кенглик, оқибат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатлик фазилатларини мустаҳкамлашда, ёшларимиз онгига истиқболга ишонч, ватанпарварлик, саховат каби инсонийлик фазилатларини қамол топтиришда бу йилнинг аҳамияти бекиёсдир.

Янги йилнинг бундай номлиани халқимизнинг эзгу фазилатларига уйғун бўлиб, у айни вақтда Сихат ва саломатлик йилининг мантйи ва узвий давомига айланади.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб хомийлик ва шифокорликнинг ўзаро, узвий, ёнма-ён қўйилишида олижаноб маънолар муҳассамини тоған. Эл-юрт манфаатлари учун қилинадиган хомийлик билан инсонга, жамиятга соғлиқ, саломатлик бағишлайдиган шифокорлар хизмати, чиндан ҳам эзгу ва ички ҳамоҳангликларга эга.

Мамлакатимизда ён-атрофидики бева-бечораларга, муҳтож кишиларга кўмак беришга ошиқаётган, одамлар дардига малҳам бўлаётган, мактаблар, шифохоналар, ҳаммомлар, чойхоналар қуришга, кишлоқлар ва шаҳарларимизни обод ва фаровон этишга бойлигини бағишлаётган элга, юртга фидойи, химматли кишилар қўлаймоқда. Бундай беминнат, маънавияти бой, қўли баракали, иши файзли инсонлар қанча кўп бўлса, эл-юрт юз қадар ободлик ва гўзалликка юз тутаверади. Ўзгаларга фидо бўлиб яшаган одамдан яхши ном ҳам қолади. Химмат, савоб йўқолиб кетмайди. Бу дунёга келиб, ўзиндан савобли амалларни қолдирсанг, яхши ишларга хомий бўлсанг, эл-юрт сени ҳам унутмайди. Ҳадисларда айтилганидек, химматли ва хайрли ишларга шошилиш.

Абдуғафур МАМАТОВ, Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутати

Абдуфаррух ФАТТОХОВ, «Совластитал» қўшма корхонаси ҳуқуқий маслахатчиси:

— Бизнинг корхона юртимиздаги хоржиий сармом иштирокидаги дастлабки корхона ҳисобланади, шунга яраша тажрибамиз ҳам кам эмас, ташки бозорда ҳам обрўйимиз бор. Россия, Қозғистонда савдо уйлариимиз фаолият юритмоқда. Бу эса ўзаро келишувлар асосида олиндиан тўлаш ёки муддатини ўтказиб тўлаш шартларига ҳамкорлик қилишда энг мақбул йўл деб биламиз. Шунинг учун ҳам сугурта компанияларининг биз билан унчалик иши йўқ, анкироғи савдо уйлари билан иш юритмайдиган, чунки улур бевосита бизнинг тузилма ҳисобланади-да. Лекин ҳеч ким кафолатли олмайдиган зилзала, тошқин ёки бошқа тасоддий ёки қутилмаган ҳодисалар борки, бундай хавф-хатарлардан хомиялашда сугурта компанияларининг имкониятлари хусусида маълумотга эга бўлсак яхши бўларди.

Руслан ҚОДИРОВ, Ташки иктисодий фаолият миллий банки шахар амалиёт бўлимининг етакчи мутахассиси:

— «Ўзбекиневест» билан узоқ йиллар давомида ҳамкорлик қилиб келамиз, қолаверса, бу компаниянинг таъсисчиларидан бири ҳисобланамиз. Уйлэйимани, айрим вазиятларда компания миқозлари олдидаги мажбуриятларини қўриб чиқиши керак, айниқса ўз валюта маблағларига эга бўлмаганлар билан. Агарда субъектнинг у ёки бу махсулоти учун тўлов тўлиқ амалга оширилмасдан экспорт қилинаётган бўлса, ундан сугурта полиси - тегишли ҳужжатни талаб қилиши керак бўлади. «Ўзбекиневест» бугунги кунда фақат хоржиий валюта ҳисобида фаолият юритмоқда. Шу боис биз миқозларимизни тўлиқ юз фоиз тўловни амалга ошириш шартига қўнишга мажбур қиламиз. Лекин компания миқоз йўқоётганини тушуниши керак...

Ҳасан НИЁЗОВ, Ўсимлик моддалари кимёси институту маркетинг бўлими бошлиғи:

— Институтимиз фаолияти кўпчиликка яхши маълум бўлса керак. Биз республикада мажбул ўсимлик моддалари таркиби устида тадқиқотлар олиб бориб, маҳаллий хом ашё асосида янги тиббиёт препаратларини ишлаб чиқамиз. У ёки бу қашдифетлар бўйича патентга эга бўлиб, хоржиий шериклар билан ҳам иш юритамиз. Ўн йилдан бўён Россиянинг яхши танилган компанияси эҳтиёжи учун алланинч - аритмияга қарши фаол моддани экспорт қиламиз. Муносабатларимиз ҳар ихкала томонга манфаатли бўлиб, ўзаро ишонч асосида тузилган. Биз сертификат тештиринг барча талабларига риоя этган ҳолда махсулотни етказишга ҳаракат қиламиз, миқозимиз эса вақтида тўловни амалга ошириш мажбуриятига амал қилиб келади. Шартнома бўйича товар сифат талабларига яраш бермасса, иккинчи томон уни қайтариб юборишга ҳақлидир. Шу қунгача бундай вазиятлар юзага келмаган, лекин миқозининг талаби биз учун қонун билан баробар деб ҳисоблаймиш ва уни қанатлан тиришга ҳаракат қиламиз. Айни қунарда айрим Фарб мамлакатлари компаниялари билан музокаралар олиб бормоқдамиз. Биз учун бу хали ўрганилмаган бозор, демек молиявий масалаларда, бўлажак ҳамкорларимиз тўлов қобилиятини ўрганиш борасида сугурта хизматлари, шу жумладан «Ўзбекиневест»нинг ёрдами айни мудоаа бўлади деган умиддамиз...

Семинарда бевосита ташкилотчилар томонидан ҳам бугунги кунда сугурта институтлари тадбиркорларимиз талабларини нечоғлик қондираётгани юзасидан кўплаб фирм-мулоҳазалар билдирилди. Бу борада келтирилган аниқ мисоллар яна бир бор шунга равшанлик юритдики, ҳар бир ишда қалтислик мавжуд. Аммо гап нафакат компания, фирма ёки аниқ бир ишнинг манфаати, балки бутун мамлакатимиз иктисодий ҳақида борганда, албатта таввақал қилмасдан, балки сугурта хомиясини фойдаланиш афзалдир.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

Иқтисодиёт МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

«TESI» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ ЖАМОАСИРАНГЛИ ШИШАДАН БИР-БИРИДАН ЧИРОЙЛИ, КАМАЛАКРАНГЛАРДА ЖИЛОЛАНУВЧИ, АНЪАНВИЙЛИК БИЛАН ЗАМОНАВИЙЛИК ЎЗARO УЙҒУНЛАШГАН ХИЛМА-ХИЛ ҲАЖМИ КЎРИНИШДАГИ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ХАРИДОРЛАРНИ МАМНУН ҚИЛМОҚДА.

— Сифатга асосий эътибор қаратган ҳолда, — дейди фирма директори Александр Золухин, — буюртмаларни ўз муддатларида бажармоқдамиз. — Буюртмачиларимиз республикаимиздаги болалар таълим муассасалари бўлиб, уларнинг хоҳиш-истаги инобатга олинади. Хозирда 23 турдаги харидор-гир махсулотлар — қандил, бра, осма чироқларни тайёрлашда маҳаллий хом ашёдан фойдаланаётганимиз боис, уларнинг нархи нисбатан арзон.

Жорий йил бошидан 2 турдаги янги махсулотлар — йўлак ҳамда ташқарига осиладиган манзарали осма чироқларни ишлаб чиқариш устида қизгин иш олиб борган тадбиркорлар тажриба-синов жараёнида тугаллашди.

МАВСУМИЙ, ҚУДАЙ, ЗАМОНАВИЙ КИЙИМЛАР

ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ТУФАЙЛИ ОИЛАВИЙ БИЗНЕС ЮРТУВЧИЛАР ОРАСИДА МАЛИКА АШУРОВА БОШ БЎЛГАН ЖАМОА МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ ТАДБИРКОРЛАРИ ОРАСИДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА. ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ТАДБИРКОР АЁЛ ЎЗ ИШИНING УСТАСИ ҲИСОБЛанаДИ.

— 2000 йилдан хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни бошладим, — дейди Тошкент Давлат Тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлаган, анча йиллардан бўён ўз соҳасида давлат қорхонасида ишлаган етакчи муҳандис Малика Ашурова. — 2003 йилда «Замонавий либос» хусусий қорхонасини очиб, оила аъзоларим ҳамда 2 нафар сингилларим билан биргаликда фаолиятимизни юритмоқдамиз. Биз асосан қиз-жувоналаримизга замонавий кийимлар тикишни йўлга қўйдик.

Буюртмага асосан аҳил жамоа қундалик, кечки, тўю тантаналарга қийлайдиган кийим-кечақларни тикишмоқда. Ишчи-хизматчиларнинг малакаси, касбига алоҳида меҳри туфайли хоржиий тикув машиналари ёрдамида миқозларга манзур бўладиган махсулотлар яратилмоқда. Асосийси, кийимларнинг кўркам, чидамли бўлиши учун фақат сифатли, хоржидан келтирилган матолардан фойдаланилади. Ҳадемай, хусусий фирма қошида кийим-кечақларни сифатли таъмирлаш хизмати ҳам йўлга қўйилиши режаланган.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Транспорт

РЕЖАЛИ АСОСДА УЮШТИРИЛМОҚДА

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ЭНГ ҚУЛАЙ ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИГА АЙЛИНБ ҚОЛДИ. УНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН» ЙЎЛИ ҲАМ ҲАР КУНИ КЎПЛАБ ЙЎЛВЧИЛАРГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТМОҚДА.

Ана шу сарқатнов метро йўли фойдаланишга топширилганига ўн беш йўл бўлди. Бу орада йўналишида поездлар катновини янда яхшилашга қаратилган талайгина техник тадбирлар амалга оширилди.

«Ўзбекистон» электр депосининг бунёд этилиши ҳам айни мудоаа бўлди. Бу ерда электр қувватидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ ишлар режали асосда ташкил этилмоқда. Бу эса ерости поездлари катновининг бир маромда бўлишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иссиқлик энергияси соҳасида ҳам тежамкорликка эришилмоқда.

КўПЛАБ ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР

ШАҲРИМИЗ ЙЎЛОВЧИЛАРИГА КўПЛАБ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ХИЗМАТ КўРСАТМОҚДА. УЛАР ОРАСИДА «МЕРСЕД БЕНЦ» РУСУМЛИ АВТОБУСЛАР АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

Шу сабабли ҳам бу замонавий ҳамда ҳар томонлама қулай транспортнинг техник-иктисодий кўрсаткичларини ошириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.

«Эво-Бус ГмБХ» компанияси билан тузилган шартнома эса «Мерседес-Бенц»ларга эҳтиёт қисмларни кўплаб харид қилиш имконини беради.

Шу мақсадда шартноманинг техник-иктисодий асослари ҳам ишлаб чиқилди.

Акбар АЛИЕВ

Ҳамкорлик

МАДАНИЯТ МАРКАЗИ — 5 ЁШДА

БУНДАН БЕШ ЙИЛ АВВАЛ ПОЙТАҲТИМИЗДА ХИТОЙ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАГАН ЭДИ. ШУ ЎТГАН ҚИСҚА ДАВР МОБАЙНИДА БУ ЕРДА МИЛЛАТЛАРО ТУТУВЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ, ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШГА ДОИР ҚАТОР ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

Хитой тилини, халқ ижодиёти ва амалии санъатини тарғиб қилишга бағишлаб ўтказилган адабий кечалар, учрашув ва давра суҳбатлари ҳам кўпчиликка яхши таассурот қолдирди. Марказ томонидан ташкил этилган навбатдаги маданий тадбир ҳам қизиқarli ўтди. Ой тақвими бўйича хитойликларнинг янги йил байрамини нишонлашга бағишланган бу кечада байналмилал руддаги тароналар янгради.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

(Давами.Боши 1-бетда.)

Шундай бўлса-да, бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитида қандай йўл тутган афзал — таваккал қилибми ёки сугурта орқали кафолатга эга бўлиш биланми? Ушбу саволга бирданга аниқ жавоб олиш қийин, албатта. Қолаверса, бунинг ҳеч ким бўйинига ҳам олмайд. Шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган семинарда ҳам ушбу масала кўтарилди. Савол-жавоблар тарихисида ўтган бу тадбирда асосан гап маҳаллий экспортчилар манфаати хомияси хусусида кетган бўлса ҳам, аммо бугунги кунда ҳеч ким - на бизниси яхши қорайтган тадбиркор, на «шунчаки» қабилида иш тутаетганлар ҳам хавф-хатардан кафолатланмаганини англаб этиш қийин бўлмади.

Мамлакатимизда биринчи сугурта институтлари бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш даврининг дастлабки пайтида - 1994 йилдан фаолият юрита бошлаган. Дарҳақиқат, уларнинг ташкил этилишини вақтининг ўзи тақозо қилган. Уша йиллари илк бор ҳўжалик субъектлари ва банк тузилмалари ўртасида молия-кредит муносабатлари юзага келди. Республикаимизга хоржиий инвестициялар жалб этилиб, ўз навбатида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳам экспорт муносабатларида биринчи мустиқил қадам ташлашни бошлаганди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан юзага келган «Ўзбекиневест» миллий сугурта компанияси кўпчиликка мадд бўлди, десак адашмаймиз. Кейинчалик миллий экспорт-импорт мақомига эга бўлган «Ўзбекиневест» миллий экспортчиларнинг сугурта хомиясини таъминлаш мақсадида хоржиий давлатларда ҳам фаолият олиб бориш имкониятига эга бўлди. Компания Ўзбекистон Молия вазирлиги ва Ташки иқтисодий фаолият миллий банки томонидан таъсис этилган бўлиб, унинг Низом жамғармаси 60 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирига бугунги кунда «Ўзбекиневест» барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва пойтахтда фаолият юритаётган кенг тузилмаларга эга, Буюк Британияда эса Низом жамғармаси 100 миллион АҚШ долларидан иборат «Ўзбекиневест-интернешнл» қўшма корхонаси фаолият юритмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу қўшма корхонада мамлакатимизнинг улushi 80 фоизини ташкил этади. Сугуратдан ташқари, компания маркетинг ва яна бир қанча сервис хизматларини кўрсатади, кўплаб йирик фирмалар таъсисчиси ҳамда акциядор ҳисобланади, шунингдек халқаро сугурта сифати сертификатига ҳам эгадир.

— Мамлакатимизда айни пайтда 24 та сугурта компаниялари мавжуд бўлиб, шундан атиги биттаси хаётни сугурталаш билан иш юритади, қолганлари умумий турдаги сугурталаш билан шуғулланади, — дейди компания бош директори Фахриддин Саидхамедов. — Хусусан, агарда кредит сугуртасига келадиган бўлсак, бунга фақат ҳамма лицензияга эга бўлган 13 та компания ваколатлидир. Хамма нарсани сугурталаш мумкин. Лекин ҳар бир ташки иқтисодий фаолият юритувчи субъект нимани сугурталамоқчи бўлганини аниқ билиши шарт. Жойларда ўтказиб келинаётган семинарлар эса айнан экспорт шартномаларини сугурталаш масалаларига бағишланаётгани ҳам тушунарли бўлса керак. Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти, шу жумладан экспорт салоҳияти ҳам жуда катта. Йил сайин экспортнинг иқтисодий ҳажмидаги улushi ошиб бормоқда. Аммо бугунги кунда бизнинг махсулотларимизнинг ташқи бозорга қилишида хануз тўсиқлар мавжудлиги, бу борада амалга оширилмаган имкониятлар кўпчилигини ҳам тан олишимиз керак. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, бундай гов-тусиқларни бартараф этиш масаласи фақат ички, яъни ўзимизнинг шароитларимизга боғлиқ эмасдир. Ушбу масалага мамлакатимиз Президентини томонидан қуни кеча бўлиб ўтган ҳўкуматнинг 2005 йил якунлари ҳамда ислохотларни янда қўрқулаштириш масалаларига бағишланган йиғилишида ҳам яна бир бор уруғ бериб ўтилди. Жумладан, йиғилишида Юртбошимиз устувор вазибалар сифатида экспортни ҳар томонлама раббатлантириш ва валюта захираларини тежаш, улاردан

ТАВАККАЛЧИЛИК АФЗАЛМИ ЁКИ СУГУРТА?

шу жумладан ишбилармон ёки тадбиркорларимизнинг тажрибасизлиги ёки ишонувчанлигиндан фойдаланиб, турли хийла-лар билан республикаимизда амалда бўлган қонунчиликка зид равишда товар киритишга уринаётганларнинг ҳам фаолияти юзасидан мониторинг ишларини олиб бориш ҳуқуқига эга.

— Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда хамма тадбиркорлар ҳам хоржида ишончли ҳамкорларга эга эмас, - алоҳида таъкидлаб ўтди компания менежери Умид Қомиллов. - Агарда гап ички дебитор қарзлар хусусида бўлса, уларнинг олдини олиш ёки бартараф этиш имкониятлари бор, албатта. Аммо халқаро доирадаги қарзларни ундириш жиддий масала, шунинг учун бу борада вақтида тегишли чоралар қўрилиши лозим. Хоржиий шерикнинг тўсатдан молиявий тўлов қобилиятиндан чеklangли қолиши ёки таназзулга учраши каби тижорат йўлидаги хавф-хатардан ташқари, сиёсий қалтисликлар ҳам мавжуд. Бу дегани импорт қилувчи мамлакатда сиёсий қўринишдаги муаммолар, яъни қонунчилик меъёрлари тубдан ўзгариши, у ёки бу махсулотга эмбарго эълон қилиниши каби муаммолар юзага келиши мумкин... Бу эса экспортчиларимизга каттагина зиён келтиради, демакки мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам зарар етказилишини унутмаслик керак. Бундай вазиятлардан халос бўлишда сугуртанинг аҳамияти чекисиз.

Бугунги кунда экспорт шартномалари тўртта турдаги тўловлар орқали амалга оширилади — кафолат

Оз ози ўрганиш доно бўлир...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Билимни буюк, ўқувни улуг бил, Бу иккиси танланган бандасини улуглайди. Заковат қаерда бўлса, улуглик бўлади, Билим кимда бўлса буюклик олади.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Илм ила кимнинг дили равшан эрур, У замон ичра саломат тан эрур.

Фариддин АТТОР

Илм ўрганишдан уялган ва такаббурлик кўчасига кириб қолган кишилар ҳеч қачон илмга эга бўла олмайдилар. Эй ўғил, сен илм ўрганишдан уялма! Нодонлик ёмон қислат!

«ЖОВИДОНИ ХИРАД»

Билимсиз, шубҳасиз, аниқ кўрдири, Кел, эй нодон, билимдан ҳисса ол.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Агар инсон илм нури билан ўз йўлини ёритмаса, зулмат ва нодонлик кўчасида қолади. Киши қалбининг нури илм ва маърифат билан бақувват бўлади. Инсониятнинг қадри илм билан ҳосил бўлади. Илмдан ҳали ҳеч ким зарар кўрган эмас. Илмни эгаллаб олиш эса бир санъатдир. Дунёда қандай ёвузлик содир бўлган бўлса, уларнинг ҳаммаси нодонлик орқали келиб чиққан. Энг зур ҳалокат нодонлик, инсонийликни битирувчи ҳам нодонликдур. Яши таҳсил кўрган ва илм нури билан ҳулқини яхшилаган аёл ҳар ерда иззат топади. Илм — аёл учун зийнат. Ақлини нодонликдан қутқарган ҳар бир аёл номус, иззат, аёллик қадрини тушуниб етади. Бундай аёл ҳеч бир ишда адашмайди. Илмсиз аёл эса бола тарбиялашда турли хатоларга йўл қўяди.

Абдибек ШЕРОЗИЙ

Бешиқдан қабргача билим иста.

ҲАДИС

Муяссар бўлса тилладин сенга тахт, Ўзингдин пастга зинҳор айламагин сахт. Агар берса сенга жаҳон сунтолғи даст, Киши ўз ҳолини билмак керак пасти. Агар рутбанг эрур аълоий офоқ, Инкилгон хасталарни ҳолина бок. Такаббур қилмағил эй бемаоний, Фалонни ўғлидурмен деб фалоний.

Сўфи ОЛЛОЁР

Ҳақимдан:

— Шунча илмни қандай ҳосил қилдинг? — деб сўрадилар:

У айтиди:

— Илм ўқиётган пайтларимда ёндирган чироқ мойини ҳисобласанг, еб-ичган нарсаларимдан кўпроқ бўлади. Бундан маълум бўладики, вақтни еб-ичиш ва ўйнашга сарфлашдан кўра илмга сарфлаш зарур экан.

«ФАВОКИХ АЛ-ЖУЛАСО»

Билиб дарсингиз айлаб азбар ўқунг, Ўқунглар, ўқунглар, ўқунглар, ўқунг. Ҳаво ҳавасларни айлаб раҳо, Сабокларни такрор этинг борҳо.

РОКИМ

Илм мартабаси мартабаларнинг эуридир, деган гап шубҳасиз тўри. Қайси ерда илму маърифат қучли бўлса, ўша ер бахт маскани ҳисобланади. Қайси ерда нодонлик мажбур бўлса, у ер қуруқ ёки тошлоқ жой қабиридир.

Гўзал хулқ билан пайваста бўлган илм одамларни бахтиёр қилади, мартабасини баландлатади. Илмдан мақсад кўрмак ва эзгу ишларни амалга оширишдир.

Фахрулбанот СУЛАЙМОНИЙ

Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхшидир.

ҲАДИС

Уламолар сўхбатида бўл, пок, соф ниятли кишиларга талпин.

«АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ»

Илмсиз иликсиз сўнгал қаби бўшдир, иликсиз сўнгалка қўл урилмайди.

Билим билан кишининг мартабаси ошди, илмсизлик эса кишини тубанлаштирди.

Билимли киши керакли сўзни сўзлайди, кераксиз сўзни кўмиб ташлайди.

Аҳмад ЮГНАКИЙ

Муроднинг ҳаётинг ичра ахтар, Ки мавҳум илм ичинда бўлма ахгар.

Анбар ОТИН

Қайси бир олимнинг илмидан сўралганда кизгоний гапириб бермаса, қиёматда оғизга ўтдан тизгин солиб қўйилади.

ҲАДИС

Илмсиз инсон — мевасиз дарахт. Нодонга илм ўргатмоқ умрни зое ўтказмоқдир.

Илм бир хазина бўлса, бу хазина қалити савод. Илм келинчаққа ўхшайди, у хилват ва пинҳонликни ёктиради.

Илм инсон зийнати. Қоғозга туширилмаган илм унутилиб кетади. Кимки илм билан ақлини оширишга уринса, молу давлат ўзи келаверади.

Илм бўлмаса одамнинг ҳайвондан фарқи бўлмас эди.

Молни ишлатганинг сари озаяди, илм эса кўпаяди. Ҳар кимки эрур улуми моҳир, Бўлғай анга сўзининг хусни зоҳир.

Шавқий КАТТАҚЎРҒОНИЙ

Авалло олим бўл! Лоқал таълим олувчи ёки тингловчи, илму уламоларни севуви бўлгин.

ҲАДИС

Маҳмуд Ҳасаний, Ҳамиджон Ҳомидий тайёрлашган

«Ўзбектелеком» АК Тошкент шаҳар телефони тармоғи жамоаси Миробод телефон боғламаси бошлиғи Марипжон Кодиржонович Дадабаевга онаси **МОҲИЖАМОЛ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат техника университети раҳбарияти, «Олий математика» кафедраси жамоаси «Олий математика» кафедраси доценти У.Ҳабидуллаевага волидаи муҳтарамаси **Ҳалима ая АҲМЕДОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г- 406

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.


5218 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтачига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-ўя.



Таълим масканларида

ТАЛАБА-ЁШЛАРНИ ЖИПСЛАШТИРДИ

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ АВЛОДНИНГ СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИ, ЧЎҚУР БИЛИМ ОЛИШИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ. АЙНИҚСА АНА ШУ ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УЗВИЙЛИГИНИ, ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ ЎЗАРО УЙҒУНЛИГИНИ ҲАМДА УМУМИНСОНИЙ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЪНИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРИЛАЁТГАНИ ТАҲСИНГА САЗОВОРДИР.

Маълумки, янги йил арафасида Президентимиз «Ёшлик» талабалар шахарчасига таъриф буюриб, у ерда амалга оширилган бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари билан танишдилар, ёшларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ва унумли ўтказишлари учун яратилган қулайлик ва шароитларни кўздан кечиридилар. «Фарзандларимизнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш масаласи доимо диққат марказимизда бўлмоғи лозим», деб таъкидладилар Юртбошимиз талаба-ёшлар билан бўлган учрашувда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ёшларнинг таълим-тарбияси билан бир қаторда уларнинг бўш вақтларини мазмунли, самарали ўтказишлари учун ҳуқуқимиз томонидан қатъий таъминот кўрсатилаётган. Шу жумладан Тошкент Давлат авиация институти маъмурияти ташаббуси билан талабаларнинг таълим даврида бўш вақтларини самарали ва ушшоқлик билан ўтказиш, дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган маънавий-ахлоқий тарбияда замонавий, интерфаол усул ва ахборот технологияларини жорий этиш ҳамда мулоқот, мунозара ва самимий муохаба маданияти ва имкониятларидан унумли фойдаланиш мақсадида «Дебат-мунозара» клуби

ташкил қилинган эди. Ушбу клубнинг жонқуяр ташаббускорлари томонидан Тошкент вилояти Бўстонлик туманида жойлашган «Хўжакент» дам олиш оромгоҳида «Ташиш жараёнининг мантиқий ахборотлаш муаммолари» мавзусида ўқув-методик сайёр семинарнинг ўтказилиши ҳам институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар сайёр-ҳаракатларининг яққол мисолидир.

Ушбу семинарни ўтказишдан мақсад, талаба-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва самарали ўтказиш, маънавий-ахлоқий тарбияда замонавий, интерфаол усул ва ахборот технологияларини жорий этишдан иборатдир, — дейди биз билан сўхбатда Тошкент Давлат авиация институтининг биринчи проректори Қажрамон Шоназаров. — Мана бир йилдики «Дебат» клуби талабаларнинг ҳар жихатдан камол топишида ўзининг самарасини кўрсатмоқда. Клуб томонидан ўтказилган мазкур семинарга Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Тошкент педиатрия институтининг талаба-ёшлари ҳам тақлиф этилди. Семинар доирасида ҳар бир иштирокчиға махсус дастур тарқатилиб, талаба-ёшлар гуруҳларга ажратилди. Ва ушбу гуруҳларда институтларнинг профессор-ўқитувчилари маърузалар ўқиди-

лар, савол-жавоблар ўтказилди, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий мавзуларда тақдиротлар бўлиб ўтди. Маданий, ўқув ва экологик сайрлар ташкил этилди. Шунингдек, гуруҳларда тақдиротлар орқали ўзаро танишув, дўстлашув муҳити яратилиб, но-аънавий мулоқотлар ўтказилди. Булардан ташқари турли мавзуларда қизиқарли маданий-маърифий тадбирлар ва гивандлик, СПИД ва унинг зарарли оқибатлари ҳақида давра сўхбатлари, институтларда дискотека ва ижодий танловлар ўтказилди. Семинар жараёнида «Дебат» клуби аъзолари компьютер мажмуаси, LCD проектор экранни, ўқув доскалари ва ёзув воситалари, видеокамера, фотоаппарат мосламалари, тарқатма материаллар билан таъминланди. Шунинг ҳам таъкидлаш кераки, мазкур семинарда халқаро терроризм, диний экстремизм ҳамда гивандликка қарши кураш, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг долзарб масалалари, глобал тараққийёт ва миллий манфаатлар бирлиги, минтақамизда хавфсизлик ҳамда ҳамкорлик масалалари, Ўзбекистонга хорижий инвесторларни жалб этишни жалдлаштириш йўллари каби мавзулар танлаб олинди. Талабалар учун тавсия этиладиган сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий мавзулар тегшли йўналишларда бўлиши мақсадга мувофиқ деб топилди ва институтларо бундай учрашувларни ҳар ойда ўтказиб туришга қелишиб олинди.

Клубнинг биринчи семинар машғулотиданқ талабаларнинг мавзуларга ўта қизиқиши, ўзаро билим олишга қаноқлиги, назарий ўқиш давридаги олган билимларини ёндош соҳа мунозаларига қарата олиши

клуб олдиға қўйилган мақсадға эришишға шак-шубҳа йўқлиғини кўрсатди, — дейди мазкур институт филология факультетининг декан ўринбосари Вазир Ҳақимов.

Семинар якунида талаба-ёшлар «Чимён» дам олиш пансионатида бўлиб, маданий ҳордиқ чиқардилар. Оқшомда эса «Диспут» гулхани ёқилди. Талабалар эсдалик учун расмға тушдилар, қувноқ куй-қўшиқлар ижро этиб, мароқли дам олдилар. Шу кунги семинар иштирокчиларига сертификатлар топширилди. Мазкур дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик йўлида ўтказилган қизиқарли сайёр семинар талаба-ёшлар хотирасида ўчмас таассурот қолдирди.

Мен мазкур семинарда қатнашиб бир олам таассурот билан қайтдим, — дейди менежмент факультетининг маркетинг йўналиши 4-курс талабаси Аъзам Тўлабоев. — Семинар давомида фақатгина илмий тақдиротлар эмас, балки кўнглиқар қизиқарли туркум тадбирлар ҳам бўлиб ўтди. Клуб олдиға қўйган мақсадға мувофиқ ёшлар ўртасида норасмий мулоқот ташкил этилди. Яъни, институтларо талабалар ўртасида дўстона муносабат юзага келди. Биз уч кун мобайнида бир-биримиз билан дўстлашиб олдик, ўзаро фикр алмашдик. Менимча клуб «омонидан ташкил қилинган бундай қизиқарли тадбир ҳар бир талабанин ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолади. Бундай тадбирлар албатта талаба-ёшларни ижодий изланиш ва интилишға ундайди.

Хулоса қилиб айтганда бундай семинар талаба-ёшлар учун ўз изланишлари ва илмий тақдиротларини янада бойитишға, ўзаро ҳурмат ва самимийлик ҳислатлари, дўстлик, ҳамкорликни янада мустаҳкамлашға ҳизмат қилиши шубҳасиз.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: Тошкент Давлат авиация институтининг «Дебат» клуби томонидан ташкил қилинган сайёр семинарда лавҳалар.

Мунажжим башорати

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ БЎЛАДИ

17 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА МУНАЖЖИМЛАРИМИЗ БУГУНГИ ЖУМАНИ ШУБҲА-ГУМОНЛАР ТАРҚАЛАДИГАН КУН ДЕБ ТАЪРИФЛАШГАН. ШУНИНГДЕК, ЎЗИНГИНИ ҚАТТИҚ УРИНТИРИБ, БИРОН НАРСАНИ КЎРБОН ҚИЛИШНИНГ ҲАМ ҲОЖАТИ ЙЎҚ ДЕЙИШАДИ УЛАР.

Зеро, ҳақиқатан ҳам зарурий нарсаларнинг қатта қуч-ғайрат талаб қилмай, ўз-ўзидан келиши кутилади.

Амалга ошириладиган ишлар ва шахсий ҳаётда омадлий ҳисобланади бугунги кун. Эҳтирослар қанотидан ва қалблар тугёнга келганда соғлом фикрлаш ва ўз мажбуриятларингиз ҳақида унутманг. Бугун рўй берадиган барча ҳодисалар келгусидаги ишларингизга таъсир қилмай қолмайди.

ХОРИЖ ХАНДАЛАРИ

— Ўрни келганда ёлгон ҳам асқотиб қоларкан. — Нималар деб валдирайсан! — Яқинда бир кучуни ўйирлаб, бозорда беш сўмга сотолмадим. Кейин, топиб олдим деб, эгасига олиб борганим сўнончисига ўн сўм берди.

— Кеча сени кўчанинги ўртасида шиллиб кетишти, — шу гап ростми? — Теримга тегилмади, холос.

Шотландиялик Макинтош ён кўшнисига бир банка буюкни қарага берган эди. Орадан бир-икки ҳафта ўтса-да, ҳадеганда кўшниси қарзини қайтармади. Шунда, диққати ошиб, кўшнисининг эшигини тақиллатди:

— Жон уйдами! — Ҳа, — деди кўшнисининг хотини. — Чакриворинг, у билан гаплашмоқчиман. — Илоҳи йўқ, — Нера? — У ўлди! — Вой бечора. — Тўсатдан ўлиб қолди. — Улими олдидан бизга бир банка буюк ҳақида бирон нарсаси демадилми? — Йўқ. — Э, аттанг, ундан бунни кутмаганим.

Бокс мусобақасини бошқа-

раётган ҳакам санашни бошлади:

— Бир, икки, уч... — Менга қара, — деб шивирлабди секундант чўзилиб ётган боксчиға. — Саккизгача ўрнингдан турма. — Яъни, — деб инқиллаб жавоб берибди у. — Ҳозир соат неча бўлди ўзи?

— Меҳнат таътилидан ҳам тезроқ тугайдиган нарсанима? — Таътил учун берилган пуллар.

— Айтинг-чи, саяҳатга чи-

киш учун чамадонни нима билан тўлдирган маъқул? — Албатта, пуллар билан-да...

— Дада, Салим совуқнинг ўғли мени «итдан тарқаган», деб сўқди. — Бекор айтибди, биз маймундан тарқаганмиз, ўғлим.

Раҳимжон дадасидан сўради: — Дада, ер нима учун айланади? — Унга жавобан дадаси бақирди: — Яна менин коньягимни ичиб қўйдимми, зумраша?



Изоҳға ҳожат йўқ.

Абдурасул Ҳошимов чизган расм.

Футбол

ЖИДДИЙ СИНОВ АРАҲАСИДА

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИГА ҲОЗИРЛИК КЎРИШ МАҚСАДИДА ВАЛЕРИЙ НЕПОМНЯШИЙ БОШ МУРАББИЙЛИГИДАГИ ЎЗБЕКСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ЯШИЛ МАЙДОНЛАРИДА МАШҒУЛОТ ЙЎГИНЛАРИНИ ЎТКАЗИШАЁТГАНИ ҲАҚИДА АВВАЛ ХАБАР БЕРИБ ЎТГАНДИК.

Мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор»нинг 15 нафар футболчиси билан БААда ўқув-машғулот йўғинларини ўтказашган Ўзбекистон терма жамоаси Екатеринбургнинг «Ураль» ҳамда БАА чемпиони «Ал-Ваҳда» клублари билан назорат учрашувлари уюштирди.

Гарчи ушбу беллашувлар терма жамоамизга галаба инъом этмаган бўлсада маҳорат мактаби вазирасини ўтаганлиги аниқ. Ўзбекистон футбол федерацияси хабарла-

рига кўра эса терма жамоамизнинг асосий йўғинчилари ҳисобланган легионерларимиз 19 февралда Тошкентга етиб қелишадди.

«ЎФФ КУБОГИ» ТУРНИРИ БОШЛАНДИ

ҲАР ЙИЛИ МАВСУМ ОЛДИДАН «ЎЗБЕКСТОН ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ КУБОГИ» ТУРНИРИНИ УЮШТИРИШ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ.

Жорий йилда ҳам футболчимиз мутасаддилари ташаббуси билан ушбу турнир бошланди. Айрим футбол жамоаларига қулай имконият ҳисобланган ушбу турнир синовдан ўтаётган янги футболчилар учун маҳорат кўриги вазирасини ўтади. Шу боис ҳам 16 жамоа гуруҳга бўлинган ҳолда ушбу турнирда голиблик учун кураш олиб бормоқда. «ЎФФ кубоғи» турнирида пойтахтнинг шарафини «А» гуруҳида «Пахтакор», «Шайхонтоҳур», «Қурувчи», «В» гуруҳида «НБУ-Осий», «С» гуруҳида «Трактор», «Д» гуруҳида «Шайх С» ва «Оқтепа» жамоалари ҳимоя қилишмоқда.

Дарвоқе, турнирда Қозғонқотқон «Тараз» жамоаси ҳам иштирок этмоқда. Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Intellectual Olimpiada 20-27.02.2006. O'zingni ko'rsat! Olim choqqisini zabt et! Iqtidoringni namoyish et!

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2005 йил 7 апрелда Абдуллаев Шохобиддин Жалолиддинович номига берилган чакана савдо фаолияти билан шуғулланадиган яқка тартибдаги тадбиркорнинг даромадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш № 5101 рақамли дафтари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«NUR-BEK-JURA BIZNES» МЧЖ корхонаси Низом жамғармасининг 1000000 сўмдан 500.000 сўмга камайтирилганлигини эълон қилади.